

**Саид БУРҲОН**

**ҚАЛАМ**

**(Шеърлар)**

**«Дурдона» нашриёти  
Бухоро – 2024**



## МУҲАББАТ БИРЛА...

Билинг, динсизлар осиймас, муҳаббатсизлар осийдир.  
(Эркин Воҳид).

Умидим ул, муҳаббат бирла умрим чиройлансин,  
Юракда қанча бўлса томир, васлингга бойлансин.

Бу дунё арзимас эркан, сахар то шом чопмоққа,  
Югурма, тек туриб дил қуёшлансин, ҳам ойлансин.

Аё ғофил, саодат истаюрсан бу оламдан,  
Муҳаббатсиз туробинг нечук кимёга айлансин?

Муҳаббатсиз кўрарсан - ҳама олам тиконзордур,  
Кўзинг оч, муҳаббат олами кўзингга жойлансин.

Бурҳоний, аҳли муҳаббат бирла оққил Ҳақ томон,  
Ваҳдат уммони сори дил қатра-қатра сойлансин.

## СОҒИНИШ

Ота, уйимизни тополмадим ман...  
Бордим, кўрдим. Лекин ўша йўллар йўқ.  
Ўша остонани ўполмадим ман,  
Чириган бўлса ҳам қолган чўплар йўқ.

Она, уйимизни тополмадим ман,  
Борсам, қучоқ очиб чиқар одам йўқ,  
Шунда бирдан... Бирдан ёдимга тушди:  
Менинг отам йўқ-ку, менинг онам йўқ!

Она, уйимизни тополмадим ман...

## СЕН ҚАЧОН БИР ЁҚЛИ БЎЛАСАН, ЭЙ, ДИЛ?!

Иккита ҳаётим, иккита юзим,  
Бир ёққа ўтолмай топмадим тўзим,  
Икки тўлқин аро гирдобда ўзим,  
Сен қачон бир ёқли бўласан, эй, дил?!

Тирикчилик, дейман, ишга кетаман,  
Ишдан кўнгиш тўлмас, лекин нетаман -  
Орзу маош бермас, фикр эгаман,  
Сен қачон бир ёқли бўласан, эй, дил?!

Оламшумул дардлар ётибди сенда,  
Яна иллат иддиз отибди сенда,  
Ғафлат-у бедорлик не топди сенда,  
Сен қачон бир ёқли бўласан, эй, дил!?

Бир куни бу танам бир ёқли бўлар,  
Шаксиз, ҳаволимас, тупроқли бўлар,  
Саидбурҳон шунда гуноҳли бўлар,  
Сен қачон бир ёқли бўласан, эй, дил!?

## ОШИҚОНА

Бу далли дил билан кирдим  
Муҳаббат отли дунёга,  
Насихат қилмагил, эй дўст,  
Менингдек телба шайдога.  
Агар ишқимни рад этса -  
Ўзлим рад этурман мен,  
Хайр дорилфунун, дерман,  
Хайр, бу шаҳри аълога.  
Керакмас илму сўзбозлик,  
Керакмас обрўю давлат,  
Келиб эрдим Бухородин,  
Кетурман боз Бухорога.  
Сўрарлар: эс-хушинг қайда,  
қани ул орзуинг, Бурҳон?  
Дегайман: барчасин бердим  
Ўшал гул юзли Раънога.

## ЁЗАР БЎЛДИК

Ёзилғон эрдими тақдир, нечукким биз ёзар бўлдик,  
Гаҳи ашъор, гаҳи панду гаҳи мактуб кезар бўлдик.

Кўруб бу турфа оламни, оламни билмас одамни,  
Гаҳи тубга кириб кетдик, гаҳи сиртда сузар бўлдик.

Тузиб қўйғон Ўзи бордур, аён айлаб китобида,  
Таажжубким, бани одам нечун низом бузар бўлдик?

Ҳама доно, ҳама гўё илмни сув қилиб ичган,  
Ақл бермоққа барча бир-биридан ўзар бўлдик.

Кибор бўлма, ғурур қилма, гапирма асло ёлғонни -  
Деган эрди, ҳамасиға мувосил, алҳазар, бўлдик.

Нима қолди биза энди бузилғон ушбу дунёда,  
Юракда бир хуруж турса, бузулғонни тузар бўлдик.

Сабр қилдик, шукр қилдик тутиб игнани бармоқда,  
Умр ўтди, қудуқни энди кетмонда қазар бўлдик.

Саид Бурҳон, ёмонми-яхшими, ҳар кун туз ашъоринг,  
Ёзилғон эрмиш тақдирда, шунинг-чун биз ёзар бўлдик.

Салом, Она!  
Мана, мен келдим.  
Даҳр тўзонида тентираб, ҳориб.  
Кечир, мен кимлигим кечикиб билдим,  
Ўзимдан кетганча ўзимга бориб.  
Кечир,  
Сен кутгандек ўғил бўлмадим,  
Беҳуда совурдим кун-тунларимни,  
Умр бино эрса,  
Ҳали қурмадим,  
Иймон деб аталган устунларимни.  
Тўрт ўғил ўстирдинг....  
Оғайниларим -  
Бағрингда қолдилар топишиб ўрин.  
Фақат мен...  
Фақат мен ношуд ва ғариб,  
Сени ташлаб кетган учинчи ўғил -  
Қалдирғоч қайтгандек интиқ инларга,  
Муҳаббат қайтгандек собиқ дилларга,  
Юрагим тўлдириб яна сирларга -  
Қайтаётирман...  
Кечир, она,  
Мана, мен келдим,  
Айланиб-айланиб келдим, ниҳоят,  
Мен ўғил бўлмадим,  
Армонинг бўлдим.  
Сен эса, онажон,  
Ҳамон - Шеърият...

\* \* \*

Кел, бирга эслайлик, ўша кунларни,  
Армон ўлкасида қолган қушчалар -  
У кунлар, ожизми эди шунчалар,  
Очмасдан, сочмасдан ўтди гулларни!

Кел, бирга эслайлик...  
О, ўша чоғлар!  
(Бизга-ку қолгани хотира энди)  
Титрар эди сўзлар, қўллар, дудоқлар...  
Ҳаммаси, ҳаммаси, ҳаммаси тинди.  
Биз ойдин тунларда мафтун кезмадик,  
Бир-бировга кўнгил этмадик изҳор.  
Аҳдимиз йўқ эди, йўқ эди ҳадик,  
Бироқ, эсламоққа нималардир бор.  
Қайғулар бир эди, ўйлар бир эди,  
Тунларимиз ўхшаш - йўқ эди уйқу.  
Шундоқ яшар эдик ёнма-ён, лекин,  
Ажратиб турарди ғурур ва қўрқув.  
Ҳеч ким айбдор эмас, бу ёзуқликдир,  
Тақдир тўзонида тўзди орзулар...  
Кел, бирга эслайлик, ўша кунларни,  
Ахир, бизникидир, барибир, улар.

## ТЎРТЛИК

Мен бугуннинг телба ишларин кўриб,  
Келажак ҳақида ўйламай қўйдим.  
Тақдирни неварам қулоқларига -  
Айтилган азоннинг кучига йўйдим.

## МУҲАББАТ ДАФТАРИДАН

Минг марта қалбингиз яралаб, яна  
Минг бора ўтиниб, кечирим сўрдим...  
Гулим, кечиримли юрагингизда  
Улуғ муҳаббатнинг шаклини кўрдим.

Балоғат аталган асов тулпорнинг  
Жиловин қўлимда тутганча маҳкам  
Не ҳислар кўкида саргардон учдим,  
Сизнинг ёнингизга тушгунча, бекам.

Севмоқ -- бахт, айрилиқ унга ҳамроҳдир,  
Висол йўли битта, ҳижрон йўли - минг.  
Менинг пешонамга тушган илк чизиқ  
Аксидир Бухоро - Тошкент йўлининг.

## БЕДИЛ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Ҳол сўрмаса ҳам ёрға жавоб ўлди бизим дил,  
Сарғарди гул ишқида, бетоб ўлди бизим дил,  
Манзил харобот ўлди, хароб ўлди бизим дил,  
Захм ўлди яна, чашми пуроб ўлди бизим дил,  
Жом ичра тўла қонли шароб ўлди бизим дил.

Эй, боди сабо, ўйнама, бас, лаҳзае тингил,  
Ки, ғамзаларинг ғам юкини қилмади енгил,  
Борғилки Самум сори, анинг тошига ингил,  
Гулбоғу чаман фаслида тош ўлса у кўнгил,  
Дашт узра ғубор ўлса-да об ўлди бизим дил.

Ағёрни кўринг, май тутса, мудом хом бўлибдир,  
Балки азалдан шўру талх биза ком бўлибдир,  
Не мастлиғ эмиш, девона бизим ном бўлибдир,  
Васл анжумани ичра ҳаё жом бўлибдир,  
Об ўлса агар бодаи ноб ўлди бизим дил.

Тун ўлди адо, нафс, нима топдинг ҳавасингдан,  
Эй жон, чиқ, энди бу кун озод бўл қафасингдан,  
Валфажр дедим, қоматга келиб қуш сасингдан,  
Не ҳосил, аё нола, бул оташ нафасингдан,  
Қон бўл, сени деб бўйла кабоб ўлди бизим дил.

Ҳолим не эрурки, боқ, не ҳол ичра бу олам,  
Ҳар ёнда тўфон, гўё завол ичра бу олам,  
Бухронни дема, Бурҳон, савол ичра бу олам,  
Бир чашма-ку тўфони хаёл ичра бу олам,  
Бедил, наилож, эмди сароб ўлди бизим дил.

## РУҲИЯТ

1.

Ҳеч нарса сиғмайди юракка, у ғаш,  
Ҳеч нарса кўринмас кўзга, у сўқир.  
Навосиз бу боғда ётибман дардкаш,  
Бошимда қарғалар чилёсин ўқир.  
Тунлар алдамчидир, кундузлар олчоқ,  
Сирдош қоғозларим бурқсиди, ёнди.  
Парвозга шайланган руҳимда чарчоқ,  
Тонди, ул қанотлар ўзидан тонди.  
Бир сурат ўчмайди қорачиғимдан,  
Қонларга бўялган гулнинг сурати -  
Муаллақ томчида қотиб туради.  
Унута билмайман гулнинг исини.  
Унутиб бўлмайди унинг исмини,  
Ахир, у - Ҳаётгул, ҳаёт - гул, чиндан.

2.

Сендан мукофотлар сўрмаган эдим,  
Сўрмаган эдим мен шоҳона умр.  
Йўқликдан яралган жонимга қўшиб,  
Бир томчи сув бергил ва бир тола нур.  
Мен уммон яратай марҳаматингдан,  
Қонимда тўлқинлар кўтарсинлар бош.  
Мен қуёш яратай нурдан, қалбимга  
Оловлар пуркасин, майли, у қуёш.  
Зулумот чулғаган само қўйнига,

Чақмоқлар юборай кўзимдан олиб,  
Қақраган заминга гулдурос солиб,  
Сел бўлиб ёғилсин эзгу ҳисларим.  
Камалак мисоли кўриниб турсин,  
Ҳавода кўринмас руҳнинг излари.

3.

Йилларнинг қатида йиғиб қўйилган,  
Қат-қат хотирамни битлар талади.  
Олисга йўллаган умид карвоним -  
Сафарда қароқчи итлар талади.  
Иблиснинг ўйини доимо қалтис,  
Қаҳ-қаҳа уради ғолиб қарашда.  
Бу гал ҳам омадим келмади, афсус,  
Ортиқ ишонмайман, сенга, фаришта!  
Қўлингда нима у, сафархалтами?  
Йўқ, йўқ! Йиғиштиргин энди барчасин,  
Иблисни овлашга мен боролмайман,  
У ёқнинг йўллари алдамчи, тўйдим!  
Менинг йўлим бошқа. Кетаман. Қўйгил,  
Чигал харитангни энди олмайман!

4.

Эртага ҳаммаси тугайди, ишон.  
Эртага очилиб кетади ҳаво.  
Беҳуда ўртанма, ором ол, эй жон,  
Тонгда оқиб келар сен кутган наво.  
Тириклик нимадир? Ёлғондир, ҳақдир,

Интилиб яшамоқ фақат эртага.  
Эртага... Ваъдалар беради тақдир.  
Шукурким, тугамас унинг эртаги.  
Кунботар. Ажиб бир телбалик, кўринг:  
Офтобнинг бўйнига солгандай арқон -  
Нурига тирмашиб тортарди бир жон.  
-Бас, етар, эртага худо подишоҳ,  
Бугунни бермайман, бермайман!... Эвоҳ,  
Менга кечамни ҳам қайтариб беринг!

---

## ЧЕКИНИШ

Мен ўчимни сиздан оламан,  
Сўраманг, бу аламлар нечун?  
Нега қалбим ёниб турса-да,  
Кўзларимда айланар тутун?  
Пок туйғу-ла севдим ҳаётни,  
Бу ҳаёт севгимни билмади.  
Балки, ўзим ўша мусаффо,  
Туйғуларга вафо қилмадим.  
Нафратимга ўчма-ўч туриб,  
Энди шундай севайки, сизни  
Ҳайратланиб, кўзимда кўринг,  
Ишқдан ўзин йўқотган қизни.  
Севаман, деб ҳайқиргум сизга,  
Пичирлашни эп кўрмас лабим.  
Ҳайқираман, гўёки буюк,  
Ҳақиқатни айтганим каби.  
Бунинг учун ҳеч кимса мени,  
Таъқиб қилмас, қилмас назорат.  
Ва бундан сўнг ҳеч кимса билан,  
Ўртамизда бўлмас рақобат.  
Мен ўчимни сиздан оламан,  
Кенг маънода бу севги ўчи.  
Сизга етар муҳаббатимнинг  
Кўп нарсага етмаган кучи.

Барибир, ҳисларим муҳаббат тараф,  
Ғалаба қилар-ку, бир кун бу юрак.  
Қутаман, кўксимга умидлар жойлаб,  
Қачондир сен мени севмоғинг керак.

У кун гулдай кулиб турса-да чехранг,  
Маъюс кезларингнинг сирин ўйлайман.  
У кун келажакдан сўйлашим кутсанг,  
Мен ўтган кунлардан ёниб сўйлайман.

У кун чор атрофни оппоқ кўрамиз,  
Омон чиққан қушдек қишнинг бағридан.  
Кўлни-қўлга бериб, кетиб борамиз,  
Висолнинг чароғон кўчаларидан.

Орзулар - қалбимда гуллаган чаман,  
Мени тарк этмаса, ўй, орзу, тилак -  
Қутаман, кўксимга орзулар жойлаб,  
Қачондир сен мени севмоғинг керак.

\* \* \*

Бу далли дил билан кирдим  
муҳаббат отли дунёга,  
Насихат қилмағил, эй дўст,  
менингдек телба шайдога.

Агар ишқимни рад этса,  
ўзлим рад этурман мен,  
Хайр, дорилфунун, дерман,  
хайр, бу шаҳри аълога.

Керакмас илми сўзбозлик,  
керакмас шеър, шон-шавкат,  
Келиб эрдим Бухородин,  
кетурман боз Бухорога.

Сўрарлар, эс-хушинг қайда,  
қани, ул орзуинг Бурҳон?  
Дегайман, барчасин бердим,  
ўшал гул юзли Раънога.

\* \* \*

Минг бора қалбингиз яралаб яна,  
Минг бора ўтиниб кечирим сўрдим.  
Гулим, саховатли юрагингизда,  
Буюк муҳаббатнинг шаклини кўрдим.

Балоғат аталган учқур саманнинг,  
Жиловин қўлимда тутганча маҳкам.  
Не ҳислар кўкида саргардон учдим,  
Сизнинг ёнингизга тушгунча, бекам.

Севмоқ - бахт, айрилиқ унга ҳамроҳдир.  
Висол йўли битта, ҳижрон йўли - минг.  
Менинг пешонамга тушган илк чизиқ,  
Аксидир Бухоро-Тошкент йўлининг.

\* \* \*

Бир куни бир инсон келар дунёга,  
У ҳам бизга ўхшайди, бироқ,  
Қарашлари сал бошқачароқ...

Сен унинг ёнида жаҳл этсанг агар,  
Сўзингда ранж билан "Эҳ, ҳаёт..." десанг,  
Мен унинг беркитай қулоқларини.

Токи, у ҳаётни кашф этсин ўзи,  
Токи, у ҳаётни севсин ўзича.  
Севсин, бизлар севолмагандай.

## ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДАГИ СЕВГИ

Югуриб бораман, шошиб бораман,  
Ҳижроннинг зулмидан қочиб бораман.  
Соғинчим дунёга сочиб бораман,  
Ғариблар маскани ётоқхонага.

Биламан, бизларни тушунмас ҳамон,  
Васлингга йўл бермас, бермоғи гумон.  
Посбони ёмон-ей, посбони ёмон,  
Толиблар маскани - ётоқхонанинг.

Ошиққа қандай куч тўсқинлик қилар?  
Юрак-ку балкондан ошиб ҳам кирар.  
Гуноҳим - севгимни севилган билар  
Осийлар маскани - ётоқхонада.

Қайтишда посбонга маълум бўлар сир,  
- Беор қиз, бор, ана, қучоғига кир!  
Дод солар, бошига кўтарар кампир,  
Аламлар маскани - ётоқхонани.

Йиғлама, кампирнинг сўзи бетамиз,  
Сен менга азизсан, мен сенга азиз.  
Юр, жоним, яхшиси, чиқиб кетамиз,  
Азизлар маскани - ётоқхонадан.

## "АСКАР ДАФТАРИ" ДАН

Интиламиз, шошамиз доим,  
Қуёш билан жанубга томон.  
У томонда туғилган жойким -  
Қуёш юрти бу Ўзбекистон.

Бу кун унда кезмоқда кўклам,  
Тупроқ аста чиқариб дамин  
Қўмсар, ҳарбий хизматга кетган,  
Йигитларнинг оғир қадамин.

Қалбларида бизнинг севгилар,  
Қизлар чиқиб лолазор қирга.  
Ҳеч ким билмас бор овоз билан,  
Исмимизни айтиб чақиргай.

Биз борурмиз... Келгуси баҳор,  
Гулдасталар биз-чун ясалар.  
Кутиб олар серқуёш диёр,  
Иссиқ нигоҳ, иссиқ бўсалар.

\* \* \*

Қишлоқ қизларининг кўнгилларида,  
Доим соддагина бир орзу яшар:  
"Ҳосилни ҳам йиғиб бергач даладан,  
Бир яйраб келамиз, айланиб шаҳар... "

Қишлоқнинг барча тор, кенг кўчалари,  
Пахтазор томонга ташланган қадам.  
Ғўзалар - тақдирнинг қўл панжалари,  
Қизлар этагидан ушлаган маҳкам.

Йигирманчи аср! Шаҳарлар чорлар,  
"Йўқ, энди қишлоқда бўлмайди яшаб!"  
Олис манзилларни кўзлаган дадил -  
Йигитлар масканин кетдилар ташлаб.

Кетдилар, камайди деҳқоннинг сони,  
Аммо чўкмасин, деб даланинг кўнгли -  
Ёшлиги, ҳусни-ю, севги армониин,  
Пахтага бахш этди фидойи синглим.

Ана, пахтазорга бир қараб қўйинг,  
Бундай бахт ҳар кимга насиб этмаган:  
Қуёшда қорайган қизлар қўйнида,  
Товланиб ётибди оппоқ бир Ватан.

## БИРИНЧИ КУРС АРМОНИ

(Ҳарбий хизматга кетаётган курсдошларимга)

Бизлар ҳеч нарсага улгуролмадик,  
Айрилиқ фурсати тез етиб келди.  
Ортидан ит қувган қўрқоқ кимсадек,  
Бир йил - биринчи курс бу қадар елди.

Сезмадик, уч юз бор юлдузлар ўчди,  
Уч юз бор жимгина тарқалди саҳар.  
Шиддатли кунларда кузимиз кечди,  
Шовқинлар ичида кечди бир баҳор.

Антик адабиёт қаҳрамонлари  
Кўзларда идеал бўлиб чақнади.  
Узр, муаллима, кўзга ташланиб,  
Бизлардан бирорта рицар чиқмади.

Ўзни юксакларда сезиб бир қадар,  
Бўш қолган чоғларда қилдик атайин  
Бизлар, олифталар, одамшунослар,  
Бири кам ўттизта қизнинг ғийбатин.

Тарқоқ параларга сочдик бир йилни,  
Фурсат устимиздан қилди тантана.  
Майлига, бугун ҳам қийнамай дилни,  
Юксакроқ сўзлардан сўзлайлик яна.

Ана, эшитяпман кўксимдан аён,  
Ғариб орзуларнинг илтижо сасин.

Розиман, орзулар бўлса-да сарсон,  
Ватаннинг бир сўзи ерда қолмасин.

Ватан чақирмоқда... Тунлар тинимсиз.  
Пушкин шеър ўқийди, кириб тушимга:  
Дўстгинам, ватанга жонни тикканмиз,  
Кўнгил орзулари фидо ўшанга!

Кетяпмиз, юпатмас сўзлар алдоғи,  
Ясама мағрурлик юпатмас бизни.  
Бу кунлар, бу тунлар, о, сўнгги чоғи  
Туғаб бораётган биринчи курснинг.

Бизнинг ўн саккиз-ку, бўлганди ғойиб,  
Ўн тўққиз ёшимиз чалғитди бизни.  
Наҳотки, бир зумда қолдик улғайиб,  
Салим, йигирмага кетмоқдамизми?

Дўстлар, келажакка тик боқинг, бугун,  
Тарқалсин диллардан ҳавойи ҳавас.  
Дорилфунун яна чорласа, бир кун  
Ўт каби ловуллаб кела олсақ, бас.

Бизни ёнаётган вақт кутиб олар,  
Сўнгра таклиф қилар замон бағрига.  
Бостириб кирамиз, биз, кечикканлар,  
Саксон бешинчи йил давраларига.

Бунда биринчи курс йўқ энди, тамом,  
Паст-баланд йилларда юрар курсдошлар.  
У эллик кишилик оламни, аммо,  
Соғиниб бўзлайди бизнинг бардошлар.

Эй, менинг сафдошим, кўнгилни қил кенг,  
Истайман, кўнглингда эзгу дард қолсин.  
Сенга пушаймонинг - шу гўзал шеъринг,  
Шу гўзал армонинг муборак бўлсин.

\* \* \*

Юлдузлар сонсиздир самода,  
Бу сомон йўлининг сўнги йўқ.  
Тун кечар, тонг отар ва аммо,  
Хаёлот тунининг тонги йўқ.

Мен ошиқ одамман, биламан:  
Тун ичра тортишув кўп ёмон.  
Бир томон хаёлий гўзаллик,  
Китобий заковат бир томон.

Жовонда ўқилмай кўпайди,  
Пушкину, Лермонтов, Гоголлар.  
Мендан бўш вақтимни сўрайди,  
Тун ичра зериккан хаёллар.

Ҳей, кетдик! Кетамиз, барибир,  
Барига етади ақлимиз.  
Хаёл ичра, тун ичра ахир,  
Кимнидир севишга ҳақлимиз.

\* \* \*

Ватан деб юраги йиғлаганларнинг,  
Қўлида ўйнади яланғоч қилич.  
Ватан, деб белини боғлаганларнинг,  
Кетмони қўлидан тушмагандир ҳеч.

Ногаҳон юртининг қуёши ботиб,  
Бош узра кўтарди қўллар машғала.  
Умр сўнгигача “Ватанни сев...” деб,  
Шоирнинг қўлида куйлади қалам.

"Севаман, Ватан!"- деб оҳ урма қуруқ,  
Юрагинг хоҳ алам, хоҳ завққа тўлсин.  
Ватанни севгингга ишонтирмоқ-чун,  
Қўлингга ишончли нимадир бўлсин.

## У КУНЛАР ...

У кунлар биз учун ардоқли эди,  
У кунлар биз учун сабоқли эди.  
Хуснбузар сенинг юзингга тушган,  
Менинг-чи, қўлларим қадоқли эди.

Кўзларда ҳаяжон, сўзларда титроқ,  
Юракни тиларди минг турли қийноқ.  
Умидвор боқардик юлдузли тунга.  
Юлдузлар эдилар жуда ҳам йироқ.

Улғайдик, бу бахтнинг адоғи йўқдир,  
Юрак ҳам бус-бутун ямоғи йўқдир.  
Юзларинг хусндор, юзларинг оппоқ,  
Менинг қўлларимнинг қадоғи йўқдир.

Не бўлди? Юлдузлар тўкилиб кетди,  
Орзулар чокидан сўкилиб кетди.  
Биз-ку, муҳаббатдан бўлолдик рози,  
Муҳаббат бизлардан ўкиниб кетди.

Қаёққа кетди у? Севгилим, у бор,  
Осмондан тушган ишқ заминда пойдор.  
Энди осмонимиз жуда ҳам яқин,  
Энди бош кўтариб юрмоқлик душвор.

## ҚАЙТИБ КЕЛДИМ

Қайтиб келдим ёнингга яна,  
Узоқларда қолмадим узоқ.  
На мағрурлик бўлолди тузоқ,  
На телбалик бўлди баҳона -  
Қайтиб келдим ёнингга яна.

Излаганим сен эдинг, санам,  
Хузурингдан кетиб изладим.  
Дил ортидан тушиб изларим,  
Қайтиб келдим ёнингга яна,  
Излаганим сен эдинг, санам.

Ўтиб борар тўхтамай кунлар,  
Мен тўхтадим, мен - ҳорғин тана.  
Қайтиб келдим ёнингга яна,  
Бас, қолурман сен билан, дилбар,  
Ўтиб борар тўхтамай кунлар...

---

---

## ЮРАГИМ

Бир ғариб кулбага ўхшатдим сени,  
Кўксимда мунғайиб турган юрагим.  
Севаман, - дедиму...  
Қиздан: "Шу кулба  
Керакми, сенга?" -деб келди сўрагим.

Тақдир улашганда барчага ошён,  
Теккани шу менга, шу мўъжаз Ватан.  
Баъзида ҳорисам, дунёдан қочиб -  
Шу кулба ичига кириб ётаман.

Омонат бўлса-да, сеҳри бор унинг,  
Ҳар қандай балодан мени асрайди.  
Ўт ичра қолсам-да, сувга чўксам-да,  
Ҳалокат қўлига мени бермайди.

Бошимга маломат тошдай ёғилса,  
Кўзимга тупроқдай сочилса алам.  
Танамни оловга ташласа севги-  
Мени асраб олар шу кулбагинам.

Яна ишқ, яна дард... Яна бир баҳор,  
Келақол, кулбамга қалдирғоч бўлиб.  
Меҳмоним, кузгача ҳали кўп гап бор,  
Ишқинг олиб келу,  
Дардим кет олиб.

Кўкрагимда бир оташ бор,  
Беҳад унинг қудрати.  
У вужудим тириклиги,  
Юрагимнинг қуввати.

Шу ўт борки, совуқларни  
Назар-писанд қилмасман.  
Шу ўт борки, умр бўйи  
Чекинишни билмасман.

Шу ўт менинг борлигимни  
Белгилайди дунёда.  
Шу ўт мени бахтга томон  
Олиб боргай пиёда.

Оддий ўтмас, сеҳрли ўт,  
Айтай унинг сирлигин:  
У ўтга айланиб қолган,  
Сенинг севгин, севгилим!

## ҲАЁТ САДОСИ

"Эй, сен эзгу ният соҳиби,  
Кўрким бўлган безаксан асил.  
Эътиқодинг боғладинг менга,  
Билки, менинг феълим турфа хил.

Авж берурман камолингга ҳам,  
Ишларингни ёқларман, бироқ  
Гоҳ бешафқат азобга солсам,  
Тушқунликдан йироқ бўл, йироқ!"

## ЮРАК

Маконим умбод кўкрак қафасинг,  
Нечун, тутқунликда сақлайсан мени?-  
Деб, юрак, ўкинма, асир сен эмас,  
Аслида, менман-ку асиринг сенинг.

Сен амр этсанг гар бўронлар узра,  
Лочин каби мағрур парвоз этурман.  
Қўрқитолмас инжиқ, хатарли йўллар,  
Сен айтган манзилга, албат, етурман.

Юрагим, орзулар мафтуни бўлгин,  
Шунда мен амрингга шайман доимо!

## "АСКАР ДАФТАРИ" ДАН

Севгилим, соғиндим, мактублар юбор,  
Ёзгин севишингни ёниб, ошкора.  
Ёзгин, муҳаббатда неки рост гап бор,  
Ўзингни дилбар де, мени дилпора.

Севгилим, соғинчим кўксимда маним,  
Кўксимда бир уйғоқ уммон чайқалур.  
Уммонлар қаърида вулқон чайқалур,  
Ҳисларим ларзада, ларзада таним.

Биласан, мен сени севаман фақат,  
Бор-будим ўзингсан ва бордир шаксиз-  
Ер билан осмоннинг ўртасида бахт,  
Сен шу бахт ва менинг ўртамизда, қиз.

Сен оппоқ қоғозга қалбинг битасан,  
Оппоқ орзуимга айланар мактуб.  
Сўзларинг мағзида меҳр тутасан,  
Ироданг, нозингни буткул унутиб.

Қизгина, хатларинг учир кетма-кет,  
Кўзимга жо бўлсин улкан масофа.  
Сўнг азиз мактубинг лабимга босай,  
Азиз қўлларингдан олгандай бўса.

\* \* \*

Меҳрдан айро-ю, сеҳрдан авло,  
Собиқ юрагимда интизор бўшлиқ...  
Қайдан кириб келдинг, қаердан пайдо,  
Ўлмаган жоним-ей, ўлмаган қўшиқ.

Шафиқ нигоҳидан ёғилар шафқат,  
Ки, эриб оқади қабоғимдан тош.  
У маҳбуб, у ўша йўқолган ҳайрат,  
Унинг афсунига беролмасдан дош -  
Ўйларим чирмовуқ бўлиб қолади.  
Чирмаша бошлайди ҳайратни қучиб.  
Юракдан бир титроқ садо келади -  
Қачондир куйланган биринчи қўшиқ.

\* \* \*

Фақат севмоқ керак сени юрақдан,  
Фақат сенинг учун яшамоқ керак.  
Олам ягонадир, сен ҳам ягона.  
Ягона эканин тан олди юрак.

Фақат севмоқ керак сени юрақдан,  
Қийналиб, ўртаниб, ёниб, ловуллаб.  
Агар тиланмасам сени фалақдан,  
Мен учун ер, само қолгай хувиллаб.

Фақат севмоқ керак сени юрақдан,  
Гўзаллигинг ҳақи, хурлигинг ҳақи.  
Сен фақат севги-чун яратилгансан,  
Шу бахт манглайингда турибди балқиб.

Фақат севмоқ керак сени юрақдан,  
Ташламоқ лозимдир пойингга жонни.  
Минг бора розиман, сендай малақдан,  
Фақат севмоқ учун берсанг имконни.

Фақат севмоқ керак сени юрақдан,  
"Фақат севмоқ?"-дея таажжуб қилма.  
Фақат севмоқ керак сени юрақдан,  
Бошқасин билмайман,  
билмайман, билмам...

...ГА

Сен ўшасан, севаман ҳали,  
Гарчи, кетдим сендан йироқлаб.  
Севишимга ишон, деб қайта,  
Боролмасман ўзимни оқлаб.

Юрак эса далли-девона,  
Яширмасман, сен унда борсан.  
Гарчи, бугун менга бегона,  
Мард эрингга севикли ёрсан.

Кўкрагимда хиёнат - гуноҳ,  
Чиқиб кетдим илк муҳаббатдан.  
Яна сени учратдим ногоҳ,  
Балки, сенсан мени учратган.

Ўн етти ёш хотири, ишон,  
Юрагимга ўқдек қадалар.  
Ахир, ўша ўқ теккан нишон-  
Ўша оғриқ виждон аталар.

Виждон... У ҳам ёлғон эрур, бас!  
Ёлғон эрур қалбимнинг оҳи.  
Мени қийнар муҳаббат эмас,  
Марҳум муҳаббатнинг арвоҳи.

Сен бошимга таъналар ёғдир,  
Қувончларим қолсинлар кемтик.  
Ҳеч бўлмаса, қолсин севгининг -  
Оловланган армони тирик.

Муҳаббат, жозибанг қайларда қолди,  
Қайда у енгилмас ўн етти ёшим?  
Наҳот, йиллар сени қолипга солди,  
Оловдай тизгинсиз қалбим — қуёшим.

Кезардим тунларга бағримни очиб,  
Ҳаяжон кўзимга қўндирмай уйқу.  
Ой менга эртаклар сўйларди ажиб,  
Менинг дардларимни тинглар эди.

Сен менга ишондинг, о, илк муҳаббат,  
Қанча жафоларга юзимни бурдим.  
Дедилар: "Севги пуч хаёлдир, фақат",  
- Йўқ, - дедим, ўзимни юпатиб юрдим.

Шу ҳолда саноқсиз кунларни яшаб,  
Билмадим қай тахлит, қайси бир куни -  
Юракдан севгимни суғуриб ташлаб,  
Бир ором истадим ва топдим уни.

Энди ҳаловатсиз тунларим қайтмас,  
Кўксимда сокинлик, оромим уйқу.  
Энди ой ҳам менга эртаклар айтмас,  
Менинг сўзларимни тингламагай у.

Муҳаббат, жозибанг қайларда қолди?..

## СОҒИНЧ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Сочларингнинг бўйи билан эганда,  
Япроқларни бир куйдирди саболар.  
Ошиқликнинг қўшиғига айланди,  
Боғлар аро шовуллаган садолар.

Қучоқ очиб югураман, еламан,  
Юрагимга босадирман бўшлиқни.  
Дарахтларнинг қўшиғи - сен, биламан,  
Қучолмасман, ўполмасман қўшиқни...

\* \* \*

Келади сен орзу қилган у гўзал,  
Ҳурмату, ишқини кўксига босиб.  
Онажон, келинчак уйини безат,  
Мен қўшиқ излайин унга муносиб.

## ИЛК МУҲАББАТДАН СЎНГ

Унга йўқдир менинг даъвойим сира,  
Эслайман севилган у чоқларимни.  
Тақдир, ўшал қизнинг бошни сила,  
Сен бахт, тўлдир унинг қучоқларини.

\* \* \*

Нечун менга тика қолдинг,  
бу масъума кўзларни?  
Қараб туриб алдамоққа  
журъат эта олмадим,  
Қараб туриб айтолмадим,  
хаттоки, рост сўзларни,  
Кўзларингга кўчдим, аммо  
қочиб кета олмадим.

---

---

## ВАТАН

Ватан!..  
Сўз йўқдир, бошқа сўз йўқдир  
Уни изоҳлашга, тушунтирмоққа.  
О, Ватан,  
    Ватанжон!  
Оғрийди жоним -  
Исмингни ҳар қачон туширсам оққа.

Худойим,  
Бу нима сиру-синоат,  
Худойим,  
Бу қандай кўргулик, ахир.  
Сенга ишқ қўймоқлик оғир, ниҳоят,  
Ватанга ишқ қўймоқ –  
Минг карра оғир.  
Минг алам, минг ситам, минг афсус дилда,  
Худосиз кимсалар кўпайиб кетди,  
Ўшалар Ватанга бош бўлди, илло,  
Ўшалар Ватаннинг бошига етди.  
-Садоғанг бўлайин, жоним берайин,  
Фақат ҳурлигингни бир кўрай, Ватан!-  
Десам мен,  
Жонимни олмоққа тайёр  
Ўшалар жисмимга бичурлар кафан.  
Ватан хоинлари,  
Эй сиз ғофиллар,  
Наҳот очилмабди ҳамон кўзингиз?!  
Букун эл уйғонди,

Руҳлар тўлғонди,  
Энди жонингизни асранг ўзингиз.  
Минг йиллар қаъридан қўзғалиб келар,  
Ана, Туркистоннинг эр ўғлонлари,  
Алп Тегин, Широқу, Сиёвуш, яна  
Алпомиш, Гўрўғли, Авазхонлари.  
Қошғарий туркийча бўзлаб келадир,  
Интиқом сўрайди Маҳмуд Торобий,  
Жалолиддин, Темур...  
Сафлар тўладир,  
Кўринг, боболарнинг бузилмиш хоби.  
Жангларга чорлайди руҳлар овози,  
Озодлик онлари яқиндир, яқин...  
О, Ватан,  
Бобомнинг улуғ мероси!  
Агар ёғийларни сендан қувмасам,  
Сиғмасман,  
Мен ортиқ сенга сиғмасман -  
Боболар қошига кетурман мағрур,  
Рози бўл, рози!..

\* \* \*

Бағишладим ўзимни сизга,  
Одамлар, мен сизники, тамом.  
Хоҳ юзимга чапангиз қора,  
Хоҳ ардоқлаб айланг эҳтиром.

Билмам, сувми, оловми ёки,  
Вужудим яратган қай қудрат.  
Биламанки, қалбимга ҳоким,  
Ўт ва сувдек меҳр ва нафрат.

Менинг борим шу икки нарса,  
Менинг борим икки эркин куч.  
Мен сахийман, бор-йўқ нарсамни,  
Одамлардан аямасман ҳеч.

## НИГОҲ

Нигоҳингни аямай мендан,  
Боқсанг бир бор чиройли кулиб-  
Мен ошиқ ёнаман, ёнаман,  
Чиройли ҳисларга кўмилиб.

Нигоҳинг тарк этиб одатни,  
Ғазаб билан боқсанг малагим.  
Айта олмай сенга бор гапни,  
Аламда ёнади юрагим.

Нигоҳларинг... Аммо бир куни,  
Бепарво, туйғусиз боқсалар  
Энг оғир нигоҳ шу, юракка  
Изтироб ўшанда ўт солар.

## ГУЛҲЎР БУЛБУЛЛАР

Ажаб боғ эканми, бунда булбуллар,  
Гулларни ер экан, ҳар шому-сахар.  
Ерлар мақтаб-мақтаб, иштаҳа билан,  
Ва яна куйлашар, куйлари дилбар.

Ажаб боғ эканми, бу латиф гуллар,  
Бариси маҳлиё бўлмиш нағмага.  
Шумфеъл булбулларга ишонманг, десам -  
Қулоқ солишмайди мендек “қарға”га.

## ТАСКИН

Ўкинма,  
Дунёда эмассан ёлғиз,  
Қаноти қайрилган битта сен эмас.  
Азизим,  
Заҳматинг кетмагай изсиз,  
Ҳақ билар,  
Одамлар билмаса-билмас.  
Сўфийнинг сўзига қулоқ сол,  
Мундоқ:  
Ғамга ҳам, бахтга ҳам берилма қаттиқ.  
Қайдадир бахтсиз бор сендан баттарроқ,  
Қайдадир бахтли бор сендан-да ортиқ.

Ўкинма,  
Дунёда эмассан ёлғиз,  
Бир сенга қолмаган дунёнинг ғами.  
Азизим,  
Барчадан бўлурсан азиз,  
Фақат сабр эрур ғамнинг малҳами.

## ТУНГИ ШАҲАР

Симчўплар бир-бирин кифтига қўйиб,  
Узун ва ингичка қўлчаларини  
Ранго-ранг нур билан эркалар суйиб,  
Шаҳарнинг барча йўл, йўлчаларини.

Кўраман, қаёққа нигоҳим солмай,  
Чироқлар яратган ёруғ чиройни.  
Ўз нурын тўкишга жой топа олмай,  
Қадди ёй бўлади юксақда ойнаинг.

Уйларда бирма-бир ўчади чироқ,  
Пардасин тортади мудроқ хоналар.  
Тонггача кўзларин юммади бироқ,  
Дўстларим банд этган ётоқхоналар.

Мен қишлоқ дардини кўксимга жойлаб,  
Шаҳардан неларни юрибман излаб?  
Бунда дуч келганим: ҳамма бурчакда,  
Жуфт-жуфт кезиб юрган йигитлар, қизлар.

Шаҳар, жамолингни кўзларим ичди,  
Шаҳар, бир тунингни етаклаб юрдим.  
Билмадим, қўйнингда нималар кечди,  
Мен фақат беором ёшликни кўрдим.

## АЙЛАНМА ҲАРАКАТ

Айланади фалак чархи,  
Тиним билмай айланади.  
Кўзасига инсон умри  
Сув мисоли жойланади.  
Олар-тўкар, олар -тўкар,  
Қайдан келиб, қайга кетар?  
Айланади...  
Хаёлларим гоҳо ҳорғин,  
Гоҳ парвозга шайланади.  
Эй, Она ер!  
Бобоқуёш теграсида айланасан,  
Ундан нари йўл йўқ сенга,  
Шул қозикқа бойланасан.  
Кеча-кундуз,  
Кеча-кундуз,  
Баҳор, Ёз, Куз,  
Қиш, Баҳор, Ёз...  
Умрларни фаслларга майдала сан!  
Айланади,  
Миямда жўн, содда фикр айланади:  
Бир кун кўзим косасига,  
Қора тупроқ жойланади.  
Ундан келиб, Унга кетгум,  
Адам сари қадам этгум...  
  
Айланади фалак чархи,  
Тиним билмай айланади...

Шайтонлар яратган чангалзорларда,  
Яланг оёғимни қонатиб кездим.  
Гуллар ундирмоқчи бўлдим изимдан,  
Тун ичра ўзимни авлиё сездим.  
Кездим, кезавердим... Зор бўлдим неча  
Мадакдор руҳларнинг ишорасига.  
Қадамим боғланиб қолмади ҳечам,  
Ҳайкал “худо”ларнинг иродасига.  
Кездим, кезавердим... Вужудим толди,  
Ортимдан тушқунлик келар пайдар-пай.  
Юрак, ваъдаларинг қаёқда қолди,  
Мен ортиқ ишончни қаердан топай?  
Кездим, кезавердим... Адо бўлган чоқ,  
Ниҳоят, тунларим кунга алмашди.  
Ана, кўз олдимда жимирлар булоқ,  
Бироқ, қўриқларди уни алвасти.  
У - сулув, сочидан камалак тортиб,  
Оқизар ойнадек булоқларига.  
Юрак, эркингни ол!  
Ўзимни отдим -  
Гўзал алвастининг қучоқларига.

## ТЎНКА

Сиз ҳам учратгансиз шундай тўнкани,  
Одамга ўхшаган қўл-оёғи бор.  
Бор унинг одамга ўхшаган тани,  
Фақат у ўрнидан жилмайди зинҳор.

Тепсанг, тебранмайди, гапирсанг уқмас,  
(Қанча ниҳолларни қуритган, аблаҳ!)  
Болта тугул, ҳатто, ёнғиндан қўрқмас,  
Чуқур илдизига ишонар ҳар вақт.

Унинг илдизлари, ў-ў, бу илдизлар!..  
Улкан тўнкаларга бориб туташган,  
Уларнинг туташган жойларин излаб,  
Ер остига кетди қанчалаб лашкар.

Мен ҳам кетмон солдим тўнка остига,  
Уф-ф!  
Қайдан келмоқда ўлакса иси?!  
Мурдалар бўйими?!  
Йўқ. А-ҳа, шундай -  
Сасир чириётган тўнка илдизи.

## БОЗОР

*Бозорга ўхшайди асли бу дунё...*

*А. Орипов.*

Савдо-сотик авжига минар,  
Қуёш тикка, қизиган бозор.  
Ҳамма нарса пулга айланар,  
Кўзларимга дунё келар тор.

Кимдир юрак парчаларини,  
Тарозида турибди тортиб.  
Тўлдираркан пулга қорнини,  
Виждонини юборар сотиб.

Пештахтанинг ортида кимдир,  
Гоҳ яширин, гоҳида ошкор.  
Харидорга кўз қисиб, қулиб,  
Севгисини сотмоқда беор.

Кимдир чиқиб олдимдан ногоҳ,  
Қора молин оқ деб туради.  
Бирор даллол топса, хайрихоҳ,  
Ҳақиқатни сотмоқ бўлади.

Қачон тугар бу савдо, ахир,  
Ғазабларим кетдилар ортиб.  
-Ўралашмай четроқда тур, -деб,  
Кимдир мени ўтади туртиб.

Кун ботмоқда, ана, хайрият,  
Ана, ҳозир тугайди савдо...  
Қайда!  
Туннинг қўйнида бозор,  
Чаққон ҳолда бўлади пайдо.

Тўхтатинг! - деб титрар овозим,  
Югураман, расталар бўйлаб.  
Савдогарлар боқар норози,  
Харидорлар жинни, деб ўйлар.  
Бир пайт бозор тўхтар дафъатан,  
(Уфқ томонда чалинди-ку бонг!)  
Қуёш яна уйғонди, қаранг,  
Тонг отмоқда, қип-қизил бир тонг.

Бу - дунёнинг эртанги куни,  
Дунё, эски бозоринг битсин!  
Қўлда пулмас, одамлар энди,  
Энг чиройли гулларни тутсин.

Бозорчилар, кечадан қолган,  
Молларингиз топсинлар тўзим.  
Расталарга чиқмасин улар,  
Беринг, сотиб оламан ўзим.

Аммо, мендан умидвор бўлманг  
На пул, на мол, на мансаб, на шон...  
Менинг борим, мана, шеър, олинг,  
Фақат шудир меңдаги имкон.

Кўнмасангиз, шеър десангиз кам,  
(Сиз-ку, нархин билмайсиз уни).  
Тўхтатиш-чун, бозорни бир дам,  
Гаровга қўяман умримни.

### **"АСКАР ДАФТАРИ" ДАН**

Кўчаларда изғирин ғолиб,  
Қасирлайди дарахт шохлари.  
Бу қиш сенсиз ва менсиз қолиб,  
Йиғламоқда Тошкент боғлари.

Бу кез менинг ҳарбий ҳаётим,  
Полтавада ўрмон кезади.  
Юрак, сенинг йўқлигинг учун  
Қиш аччиғин яққол сезади.

Карманада қиш бошланса ҳам,  
Остонагни кўмса ҳамки қор,  
Карманада сен, қиз, яшайсан,  
Карманада ҳамиша баҳор.

## РИМНИНГ ҚУЛАШИ

(триптих)

### 1. Вабо

Демокрит қайдадир, Цицерон қайда,  
Цезарь жавоб бермас таназзул учун.  
Ёвузлик авж олган табаррук жойда,  
Улуғ боболар-ла мақтанмоқ нечун?

Шоҳлар сарой қуради, устма-уст, қайта,  
Очликдан қирилар оддий халқ - демос.  
Ҳеч ким чиқа олмас ҳақ сўзни айта,  
Ҳеч ким: "Нима учун бу давлат?" демас.

Вабо - чиркинликнинг мудҳиш ҳосили,  
Саройдан, балиқнинг бошидан тарқар.  
Худо ҳам не қилсин, ахир, бандасин -  
Ярми ўғри бўлса, ярми эса ғар.

Олими ёлғончи, шоири маддох,  
Меҳнатни қилгувчи - халқ эмас, қулар.  
Бундай тақдир раво кўрмагай илоҳ,  
Империя энди, шубҳасиз, қулар!

Вабо бир баҳона, вабо бир синов,  
Уйқудан уйғонмай кетди Рим аҳли...  
Уйғон, деб айтгучи бўлмади биров,  
Халқни саралади Холиқ шу тахлит.

Нажот саройданмас, зиндондан чиқди...

## 2. Спартак

Нажот саройданмас, зиндондан чиқди,  
Юнон заковатин олган Римдир бу.  
Сабр муваққатдир, демиш Афлотун,  
Зулм зулмдандир, демиш Арасту.

Спартак!  
Сабрнинг таги исендир,  
Зулм нелигини кўрсат уларга -  
Қулдан чиққан мағрур гладиатор  
Ота бўлганини шаҳзодаларга.

Ифлослик жонига теккан бу халқнинг  
Қалби ҳам, кўзи ҳам тўлганда қонга -  
Бошлардан сачраган қондан бева Рим -  
Ҳомиладор бўлар янги исенга.

Шарққа қараб қўлин узатаркан у,  
Шарқдан чиқишини билгандек, қуёш.  
Бу гал қон биланмас, бу сафар исён  
Исо сўзи билан кўтаради бош!

Хочга михладилар ҳатто Исони...

## 3. Варварлар

Хочга михладилар ҳатто Исони,  
Ҳақиқат борлигин тан олмаганлар.

Яна беш юз йилча тахтда асони -  
Тутиб, империя қай йўлни танлар?

Юксалди,  
юксалди, аммо бу чўққи -  
Остида ботқоқлик... Зўрлик ва фаҳшат.  
Ерда йиқилишнинг зарари йўқ, ки -  
Чўққидан қуламоқ нақадар даҳшат!

Бало юборилди: қилич ва олов,  
Варварлар тутмишдир икки қўлида.  
Сўйдилар, йиқдилар, ёқдилар, сўраб -  
Ўтирмасдан, не учраса йўлида.

Қайдан келди улар, Рим охирати?  
Минг йиллик салтанат қулади оғир.  
Чарх - фалак Эгаси юбормиш, албат,  
Ҳақиқат қососи шу бўлди охир.

Чунки туғилганди энди Муҳаммад!

## ҒАЗАЛ

Мен сени севганчалик, бошқа севмас, даргумон,  
Сен менга йўқдир гумонинг, ўз-ўзимга бор гумон.

Бунчалик тоза бўлурми атри гул иффори, ҳай,  
Бол'ари қўнган маҳал қолдирмаган ўздин нишон.

Шунчалик юксақдадурсан, бул гуноҳкор бандадин,  
Билмадим, олдингда мен борманми, ё йўқман, ишон.

Сен киби олий мақомни бермагум шоҳ, бандага -  
Ўзинг шоҳсан, ўзинг зотсан бул ошиққа меҳрибон.

Севганим борди жаҳоннинг бори буд ҳаввосини,  
Келганим шулдир қарорга, йўқ бўлак сендин жаҳон.

Йиғлагум, қилгум табассум оташи меҳринг аро,  
Гаҳи уммон ичрадурман, гаҳи бўстон ичрамон.

Ошиқ ўлдим қай замонким, ваҳки умрим каъбида,  
Тўрт томон қибла эрурим, ўртасинда сен - имон.

Мен Саид Бурҳон бўлиб, топғон ўлурсам ҳар неки,  
Сен учундир, сен туфайли, мен борурман сен томон.

## ЯНА ҒАЗАЛ

То ҳануз топмай сени, бир умр армондаман,  
Сен қаю саҳродасан, ўтгувчи бир карвондаман.

Сен-ку бир жойда муқимсан, дарбадар менман, вале -  
Андаман ё бундаман, истаб сени ҳар онда ман.

Во, дариғо, ҳеч қачон ёдингдан ўзга ёд йўқ,  
Ё магар жон ўлсанг, ўшал табаррук жондаман.

Сен бақо гулшанида улкан сабрсан, кут мени,  
Мен фано зиндонида, на илож, зиндондаман.

Йўқ тараф сен сори, билсам, якка-ю якто ўзинг,  
Мен ғарибинг ногаҳон ул ёндаман, бул ёндаман.

Гар адо бўлса йўлум, чорлағил, тортқил мени,  
Ўзда йўқдур ихтиёр, илкингдаги фармондаман.

Беқарору бенавоман ишқингда, эй, умри азиз,  
Бир қарори бўлмағон ул Саид Бурҳон-да, ман.

## ДЕҲҚОН ВА ШОИР

(ҳазил)

Мирзачўлнинг қовуни зўр,  
Тилни ёрар тилими.  
Бир кўрай, деб сайёҳ-шоир.  
Шу ён бурди йўлини.

Кутиб олар деҳқон бобо,  
Полиз бўйи - чайлада.  
Сўрашдилар, қандай ҳаво,  
Бола-чақа... Майли-да.

Узиб келди уч-тўрт қовун,  
Деҳқон, барака топкур.  
Эҳ, бемаза чиқиб қолди  
Иккитаси, ит тотгур!..

- Узр, шоир, - дея хижил  
Деҳқон кесар бошқасин.  
Нима қилсин - ўзин ҳалол  
Меҳнатини оқласин...

Бир палакда ҳар хил қовун,  
Деган мақол рост экан.  
Кейингиси тилни ёрар,  
Ширин экан, соз экан.

Роса маза қилди шоир,  
Қочди оғзин таноби.

Чўнтагидан чиқарди сўнг  
Кафтдеккина китобин.

Авж олганча ўқий кетди,  
Шеърларини деҳқонга.  
Ёлғондакам олқиш айтди  
Деҳқонбобо меҳмонга.

Чолни қойил қолдирдим, деб  
Шоир бирам яйради!  
Ҳол-жонига қўймай, сўнгра  
Дангал фикрин сўради.

- Биз қайданам тушунардиқ,  
Шеърнинг баланд-пастини, -  
Шундай дея, у беҳадик  
Айта бошлар ростини:

- Менинг ишим қовунчилик,  
Гоҳо эплаб билмайман:  
Чиқиб қолса бемазаси,  
Бундан хафа бўлмайман.

Сиз ҳам, ука, кўп ёзибсиз,  
Шеър-пернинг ҳар хилидан.  
Мен беш кетдим, ҳа, баъзиси  
"Қулинг ўргулсин"идан!

Лекин баъзи шеърларингиз  
Ғирт бемаза қовундай!..

Шираси йўқ, кўпирибди  
Овсар еган совундай...

"Қўлимизда еру осмон!.." -  
Жа-а обқочибсиз, лекин.  
Ҳа, энди мен оми одам,  
Ақлим етмадимикин?..

Узр сўраб деҳқонбобо,  
Сўзни тамом қилади.  
Шоир бошин қашлар...  
Сўнгра -  
Қаҳ-қаҳ отиб кулади:

- Бешни ташланг! Бопладингиз,  
Сиз - ака, мен укаман!  
Келаси йил бир ер олиб,  
Мен ҳам қовун экаман!

... Хуллас, шоир Мирзачўлда  
Қовун экиб турганмиш,  
Деҳқон эса ҳар палакка  
Шеър бағишлаб юрганмиш.

Яна бир гап. (Бу гап мутлоқ  
Ўзимизга доирдир):  
Элимизнинг ярми деҳқон,  
Ярми эса шоирдир!

## РУБОИЙ

Манам ошиқи ашъорман, юбордим нур фазоларға,  
Ажабким, ёқмади андак анда юрғон "даҳо" ларға.  
Ўкинма, дил, бәсе куйдургучи бўлгай ёниқ нуринг,  
Магар маъшуқ керак ўлмак, сани ишқинг баҳоларға!

## ХОРАЗМ

*(Ғофур ОТАЖОНҒА)*

Тонг ила чиқдик, тилаб сайри диёри Хоразм,  
Ким қуёш юртидамиз, ёпқоч ситора оразин.

Беадоғ Урганч чўлидан тушди Жайхун сори йўл,  
Не ажаб, бул ўлкада бордир наср, ҳам сор назм.

Хоразм дебки келибмиз паҳлавонлар юртиға,  
Келдилар кўз олдима гужум, чинорлар бир азим.

Кўҳна Хива қалъасининг Ичану Дишани бор,  
Дардини билгай киши ким, қалбига солса разм.

Дийдоринг истаб келибмиз мен, яна Абдунаби -  
Ҳам Сулаймон Шодиев ҳам-да Баҳодури Насим.

## МАРСИЯ ЎРНИДА

Тур оёққа, тур, Турон,  
Ётди бугун турк ўғлон!  
Тобутини Олтойдан  
Болқонга қадар тортгил!

Тур оёққа, тур, Қарлуқ,  
Гар бўлса дилинг орлиқ -  
Улкан шоир танасин  
Елкага ўзинг ортгил!

Тур оёққа, тур, Ўзбек,  
Тур, гўё уйғоқ сўздек.  
Шукруллони йўқотдинг,  
Дод солгин, ғамга ботгил!

## ДЎСТЛАРИМ КЎП ЭКАН...

Кўп ҳам катта эмаскан дунё,  
Бир бош билан ўйлашга етар,  
Ҳаёт ундай, ҳаёт бундай деб,  
Нолиганинг беҳуда кетар...

Бундай ортга боқиб, қарасам,  
Тўртта одам - дўстим қолибди.  
Уларга ҳам, ўхшаш туйғуни  
Юрагига худо солибди...

Гапирмасдан, тушунса инсон,  
Бир бирининг фикру дилини,  
Шундан таскин, шундан қаноат  
Рухлантирар инжиқ феълени.

Яна дўст кўп, дўстлардан бошқа,  
Тилсиз, онгсиз бўлса ҳам - гўзал.  
Дарахтлар бор, ой бор, юлдуз бор,  
Гуллар, қушлар, хур жониворлар...

Энг муҳими ёруғ хаёл бор,  
Барчасига олиб боргувчи.  
Бугун бир бахт бўлди менга ёр,  
Шу хаёлга келганим учун.

## ОГОҲ БЎЛГИЛ ВАБОДАН

Осмон узоқ, ер қаттиқ бир замонлар кўп бўларкан,  
Шунда тарих қаъридан хур хаёл босиб келаркан,  
Қадим тарих минг йилликдан ҳикмат куйин чаларкан,  
Бугун дунё бир силкинди, бало чиққан хатодан,  
Эй одамзод, огоҳ бўлгил, оламшумул вабодан!

Одам Ато жаннатлардан тушиб келган замин - Ер,  
Бунда башар авлодининг Оллоҳ ўзи ғамин ер,  
Азалдан то абадгача илоҳий сўз аминдир,  
Фақат ғофил бўлма, инсон, мангу янграр садодан,  
Эй, одамзод, огоҳ бўлгил оламшумул вабодан.

Сукрот ҳаким, Лукмон ҳаким, Жолинуслар билмишлар,  
Ибн Сино, ар-Розийлар, Жузжонийлар кўрмишлар,  
Ҳамма бало ўзингдандир, ўзинг сабаб демишлар,  
Фақат эзгу ният сақлаб қолар улуғ жазодан,  
Эй, одамзод, огоҳ бўлгил оламшумул вабодан.

Намруд лаъин кули кўкка совурилган даҳшатни,  
Омонат тахт Фиръавни улоқтирган фурсатни,  
Қорунни ҳам ғазнаси-ла ер юттирган Қудратни,  
Унутдингми, аҳли башар, сабоқларни дунёдан,  
Эй, одамзод, огоҳ бўлгил оламшумул вабодан.

Нечун инсон ёв бўлибдир ўзин зотдош қавмига,  
"Бани одам як дигараст" деган маъно қавлига.  
Вақт - боқий, лекин боқдик муваққатнинг зайлига,  
Амриқоми, Яҳудия, Оврупои, Хитодан,  
Эй, одамзод, огоҳ бўлгил оламшумул вабодан.

Асли битта олма каби кафтда турар куррамиз,  
Шу макондан бошқа уй йўқ, кимни қайга сурамиз?  
Кимни олий, кимни паст деб бир-бирга ниш урамиз,  
Ажал бомба зўрми эди иродаи худодан?  
Эй, одамзод, огоҳ бўлгил оламшумул вабодан!

Бош деворга теккан маҳал барча эллар бирлашар,  
Забун диллар, ғайри тиллар, айро йўллар бирлашар,  
Оқсуякми, занжими у, ирқлар, қўллар бирлашар,  
Бошинг кўтар ғурур билан, бош чиқар бир яқодан,  
Эй, одамзод, огоҳ бўлгил оламшумул вабодан.

Учинчи минг йилликнинг ҳам бошгинаси тош кўрди,  
Пайғамбарлар, авлиёлар, донишмандлар фош кўрди,  
Самолардан сиримизни ой кўрди, қуёш кўрди,  
Ҳали кечмас, тур ва интил қалқон тутиб тақводан,  
Эй, одамзод, огоҳ бўлгил оламшумул вабодан!

Икки юзта давлат тузиб, бўллаб олгач очунни,  
Ҳали Миррих, ҳали Зухро томон солиб қамчинни,  
Не истарсан, ўйласанг-чи ўз уйингда тинчингни!  
Саккиз миллиард жуфт кўз энди умидлансин Яктодан,  
Эй, одамзод, огоҳ бўлгил, оламшумул вабодан.

Тамаддунга тамал қўйган халқмиз, илм ўргатган,  
Ал-жабримиз Бирдан кейин чексизликни кўрсатган,  
БМТнинг минбаридан бугун ҳам зўр сўз айтган:  
Жаҳолатни маърифат-ла енгмоқ, сақлар балодан!  
Эй, одамзод, огоҳ бўлгил оламшумул вабодан!

27.07.2020

## БЎЛДИ, ОСМОН, ЙИҒЛАМА...

*(2022 йил баҳори совуқ ва серёгин келди, мана, май ойининг биринчи якшанба кунини деҳқончилик қиламан дегандим, яна ёмғир ёғиб турибди. Уйда электр ҳам ўчган - ишлай десам... Деразадан осмонга қараб, дедим):*

БЎЛДИ, ОСМОН, ЙИҒЛАМА,  
СЕН ҲАМ ЭЗМА БАҒРИМНИ.  
КЎЗ ЁШЛАРИНГ ЎЙОЛМАС -  
ТОШДАЙ ҚОТГАН САБРИМНИ.

БЎЛДИ, ОСМОН, ЙИҒЛАМА,  
ДАРДИМ СЕНГАМИ ҚОЛДИ?  
БУ ЗАМИНДА УХЛАР ЭЛ,  
УЙҒОҚ РУҲЛАР ЙЎҚОЛДИ.

БЎЛДИ, ОСМОН, ЙИҒЛАМА,  
САРДОБАНИНГ УСТИДА.  
ОФАТ ЭМАС, ЮРТ ТИНЧИН -  
КАСОФАТЛАР БУЗДИ-ДА.

БЎЛДИ, ОСМОН, ЙИҒЛАМА,  
ДУР БЎЛСА ҲАМ КЎЗЁШИНГ.  
ЭТАРМИДИ БАХТ НАСИБ,  
ЭГРИ БЎЛСА ГАР БОШИНГ?

БЎЛДИ, ОСМОН, ЙИҒЛАМА,  
ЙИҒЛАМАГИЛ, ЕТАР, БАС.  
РАҲМИНГ КЕЛСА - КЕЛМАСА,  
БУ ЕРДА ЭЛ КЎКАРМАС.

\* \* \*

Ер бизники эмас, омонат бир жой,  
Осмондан тушганми, десангиз - хато.  
Осмон бизникидир - далиллар талай,  
Ерда нима гап бор, билмаймиз ҳатто.

Кимнингдир ҳали ҳам осмонда бурни,  
Кимнингдир оёғи осмондан келар...  
Бизнинг-да руҳимиз осмонда ўрни,  
Синдирмоқ бўлганлар яхшироқ билар!

\* \* \*

Ёлғон гапирасиз, севмайман дея,  
Ёлғон гапирасиз, соғинмадим деб.  
Нима керак сизга, мени қийнамоқ,  
Нима керак сизга, сўнг пушаймон еб?

Биламан, сиз мендан яхши бир одам-  
Тайёрламоқ учун куйиб-пишасиз.  
Гарчи мен ёмонман, заҳар бўлсам ҳам-  
Кўзингиз чирт юмиб, қоним ичасиз!

Аксига, барини тушунаман-да,  
Кўзгуда ростимас, акс этар акси.  
Келинг, ёлғон сўзланг яна бир марта,  
Бир марта мени ҳам яхши денг, яхши!

\* \* \*

Кошкийди бир от бўлсайдинг,  
Ғурур безар эди отдай гавдангни.  
Майлийди, меҳнаткаш эшак бўлсанг ҳам,  
Тепиб турсанг ҳамки баъзан эгангни.

Қандай ярашарди сенга ҳайвонлик...  
Аммо одам бўлмоқ, бу ҳам бир шараф!  
Афсуски, одамман деб юрибсан, эҳ,  
Уялиб кетаман мен сенга қараб...

## ТЎРТЛИК

Мен баланд, сен паст деб тортишмоқ нечун,  
Ким дунёга устун - терак бўлибди?  
Оддий ҳақиқатни англамоқ учун -  
Бизга битта умр керак бўлибди.

## "АСКАР ДАФТАРИ" ДАН

Кўчаларда изғирин ғолиб,  
Қасирлайди дарахт шохлари.  
Бу қиш сенсиз ва менсиз қолиб,  
Яхламоқда Тошкент боғлари.  
Бу кез менинг ҳарбий ҳаётим  
Полтавада ўрмон кезади.  
Қалбим сенинг фироқинг тотти -  
Қиш аччиғин яққол сезади.  
Карманада қиш бошланса ҳам,  
Остонагни кўмса ҳамки қор -  
Карманада сен қиз яшайсан,  
Карманада ҳамиша баҳор.

\* \* \*

Ғафур Ғуллом ўтди, Миртемир ўтди,  
Абдулла Орифу Эркин Воҳид ҳам,  
Ҳатто Рауф Парфи ҳаққа юз тутти,  
Адабиёт кўнгли балки шундан кам.

Ҳеч ким ўқимайди эллик йил кейин!  
Бекорга ишонган экан шуаро.  
Ўзбекка шоирлик нақадар қийин,  
Туриб бермоқ каби ўт ва сув аро.

Аммо замонларга боқмас ҳикмат бор,  
Замонларга боқмас одам ҳам бордир.

У айтди: "Мақолни ўзгартмоқ даркор!"  
Агар ўзгартмаса, бир умр хордир...

Ғафур Ғулом ўтди, Миртемир ўтди,  
Эллик йилдан кейин сир бизга етди...

## ТАНҚИД ҲАҚИДА

(Чори Латифга)

Ишлар зўр, барака топинг, десангиз -  
Гўёки зўр бўлиб кетадигандай.  
Пачава десангиз, барака учиб,  
Балога гирифтор этадигандай.

Лекин кўрганмисиз, қайси бир бемор-  
Касалин яшириб, отдай соғ юрган?  
Кўрганимиз - қамчи емаса тулпор,  
Бир ерда депсиниб тургани-турган.

---

---

## БИТТА ЎЗИМ ТУРИБМАН...

Отам эккан дарахтлар,  
Кесилган, арраланган...  
Кўкрак кериб чиқардим –  
Юрагим яраланган.  
Руҳлар ортимда, олдда  
Битта ўзим турибман.

Туғилдим-у ўлмадим,  
Тирикман, яшаяпман.  
Мен ҳам одам каби бир  
Қадамим ташляяпман...  
Умр ортимда, олдда  
Битта ўзим турибман.

Шухрат дедим, шон дедим,  
Ҳақиқат, имон дедим,  
Гоҳ бир оғиз нон дедим,  
Балки мен нодон эдим –  
Ортимда улар, олдда  
Битта ўзим турибман.

Гинам йўқ дўстларимдан,  
Дўстлари кўп ғарибман.  
Бу дунёда дўст излаб  
Улғайибман, қарибман...  
Дўстлар ортимда, олдда  
Битта ўзим турибман.

Ҳақ дўст дедим, ё оллоҳ,  
Шундан кўнгил тўлди гоҳ.  
Ўзинг дўст, ўзинг ғаним –  
Ўзингга, бўлгил огоҳ!  
Оллоҳ устимда, олдда  
Битта ўзим турибман.

Ҳеч нима бўлмас таскин,  
Ҳеч ким сўролмас дардинг.  
Ўзинг бил ўзинг қадринг!  
Шунда қалбинг олар тин.  
Қаршимда ойна, олдда  
Битта ўзим турибман!

## ОЛТМИШ ЁШ

(Дўстим Салимга)

Шунчаки олтмишга кирмайди одам,  
Ошни, ҳам заҳарни ошаши керак...  
Йўл юриб - мўл юриб, қадамба қадам,  
Камида олтмиш йил яшаши керак.

Шунчаки олтмишга кирмайди одам,  
Олтмиш йил дил сори йўғрилиш керак.  
Инсон бўлмоқ учун, валлоҳи аълам,  
Аслан одам бўлиб туғилиш керак.

Шунчаки олтмишга кирмайди одам,  
Олтмишида ҳар ким ҳам етук эмас...  
Бўйнингдаги ола олтмиш, ҳарҳолда  
Олтмиш сентли қора галстук эмас.

Шунчаки олтмишга кирмайди одам,  
Жангтоҳлардан ўтсанг, сўнгра омонлик!  
Опой айтганидек, ушбу замонда  
«Олтмишга кириш ҳам бир қаҳрамонлик»!<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Мавжуда Холматова сўзи.

## АКАМ

Нур ёғилар унинг юзидан,  
Айланайин қошу кўзидан,  
Баъзан хафа бўлдим сўзидан,  
Лекин акам, менинг акам у.

Отамнинг тўрт ўғли бор эди,  
Тўртта йўли, тўғри, бор эди.  
Карвонбоши, у сардор эди,  
Акам менинг, менинг акам у!

Муштласа-да бошимни - акам,  
Сийласа ҳам бошимни - акам.  
Кўрмасин кўз ёшимни акам,  
Акам менинг, менинг акам у!

Ҳаёт шундай, рўзғор, хотин бор,  
Орзу-хавас, ўчоқ-ўтин бор.  
Лекин ука деган отим бор,  
Акам менинг, менинг акам у!

## НАБИРАЛАРГА МУВАШШАХЛАР

### *АБУБАКРга*

Ал-ҳамду тилимга вобаста бўлди,  
Бисмиллаҳ устига пайваста бўлди.  
Ул каломдин дилим ораста бўлди,  
Бори аҳли қавм ҳаввасда бўлди-  
Ато-анолар ҳам навраста бўлди.  
Ки, номи табаррук - Абу Бакрман,  
Расулulloҳ дўсти, яъни фақирман.

### *АБДУЛЛОҲга*

Аллоҳ-аллоҳ, минг шукр, берганинг авлод манга,  
Бул саодат бирла бердинг мустақийм, иршод манга.

Довуду Нуҳу Сулаймон тахтини асло сўрмадим,  
Ул мунаввар сиймодин, бас, келур нурзод манга.

Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳи, дедим -  
Ломаконда тургаликим, бир макон обод манга.

Онким, Абдуллоҳ келар, садқа бу жоним йўлига -  
Ҳол буким, нури Муҳаммад қуввату имдод манга.

### САОДАТПОШШОга

Сенингдек гулга боғбонлик - менга олий саодатдир,  
Азизам, деб калом айтмоқ тилу дилимга роҳатдир.

Ою юлдуз қиёсингми, магар сендан қиёс олсин -  
Десам, бу ташбеҳимдан ой юзида доғ, жароҳатдир.

Агар юз йил умр кўрсанг, манам сен бирла бордирман,  
Токи, сен бор – менинг руҳим фалак буржида қоматдир.

Пари-пайкар деюрлар ҳар гўзал қизни, вале сендек -  
Одам фарзандига таъзим - париларга шарофатдир.

Шарофат қайдадир - қайда намоён одобу ахлоқ,  
Шаҳодат – отаю она, ки иймони саломатдир.

Оллоҳимга минг шукурким, мени қизим Саодатдир!

### ХАДИЧАга

Худо ерда ой қизчани яратмиш,  
Амр бермиш, малакларни қаратмиш.  
Дуо қилгай фаришталар, малаклар,  
Илло, унга барча яхши тилаклар!  
Чарос кўзим, табрик ёзай исмингга,  
Айланайин, жоним садқа жисмингга!

\* \* \*

Мен шоир бўлибам нима қилолдим,  
Бир мисқол дардингни аритдимми, айт?  
Кўзингга қарашга, она, уялдим -  
Сен мени кутганда - вафот этган пайт...

Мен нима қилолдим, шоир бўлибам,  
Елкангдан кетмонни ололмадим, оҳ...  
Ота, шеър дардидан меҳнатинг оғир,  
Меҳнатингдан оғир мен қилган гуноҳ..

Мен нима қилолдим шоир бўлиб ҳам?  
"Халқим, халқим" дея чирандим, холос.  
Халқим, агар мени ҳақ шоир десанг -  
Ўларда Машрабнинг сиртмоғига ос!..

Ман шоир бўлибам нима қилолдим?..

## ДИЙДОР

*Собиқ курсдошларимга*

Кўзларим йўлдамидур, йўлларим кўздами ё?  
Учрашув ёздамидур, ёз ўтиб, куздами ё?

Ман ажаб ҳайратдаман, бул қадрдон даврадин,  
Эътибору эҳтиром бир пар нону туздами ё?

Олтмишу етмиш надир, саксонни урганлар бор,  
Умримиз «истанса»си, ким кафил, юздами ё?

Юзларим сарғарди дўст чехрасин кўрмоқ учун,  
Юз соғинч-у, юз садоқат излари юздами ё?

Эй Сайид Бурҳон, ўзинг дийдор деб кўп ўртама,  
Дийдори Аллоҳ яқиндур, ихтиёр биздами ё?

\* \* \*

Сен унутган гулимсан,  
Баҳорларинг ёдимда.  
Тозагина, тонгдаги -  
Ифорларинг ёдимда.

Сен илк қадам, йўлимсан,  
Тетапоя юрганим.  
Кўклам эди, ям-яшил –  
Кўзим очиб кўрганим.

Сен бошимдан баландга  
Узатилган қўлимсан.  
Тангрим, дея осмонга  
Нидо қилган кунимсан.

Сен булоқсан, кўзингдан  
Шилдир-шилдир сой оққан.  
Шу товушга ҳамоҳанг –  
Сайраган булбулимсан...

Ўша жойни излайман,  
Она сойни истайман!  
Денгизларга, уммонга  
Қўшилган сархилимсан.

Сен унутган гулимсан,  
Менинг Она тилимсан!

## ШУҲРАТ РЎЗИЕВГА

“Полковникка ҳеч ким ёзмайди”  
(Г.Маркес)

Талабалик йиллар хотирда,  
Минг тўққиз юз саксон иккинчи...  
Ким осуда, ким хавотирда,  
Ким “бешчи” ю кимдир “икки”чи.

Қўшработлик Рўзиев Шуҳрат,  
Оддийгина чўпон боласи –  
“Тихий”, жуда одобли, яна  
Эшитилмас гина, ноласи...

Кўп қатори ҳарбийга кетди,  
(Қололмади чўпон ҳам сақлаб)!  
Икки йил ҳам ўтдию-кетди,  
Йигит қайтди номини оқлаб!

Ҳарбий унга ёқиб қолган-ов!..  
Зап келишган йигит бўлганди.  
Дорилфунун дипломин олиб –  
Елкасига пагон илганди!

Элим бўлсин тинч, осойишта –  
Дея, чест ҳам берди шапкага...  
Йиллар ўтиб, ўртоқ полковник  
Кириб келди яна даврага...

Курсдошларнинг ҳурматида у,  
Унинг билан суҳбат қизади...  
Бекор айтмиш Габриэл Маркес,  
Полковникка ҳамма ёзади!

## БАЙРАМ ЙЎҚЛОВИ

Кетдим мен -  
Онамнинг зиёратига!..  
Хайр, эй сиз, мени севган аёллар!  
Бугун Саккизинчи март экан,  
Аммо -  
кўзимга кўринмас гуллар, тиконлар.

Тикон - тирикларга,  
Гул - марҳумларга.

Онамни бир кўрай, дедим-да бугун,  
Аслида мозорда  
Эмас-ку дийдор,  
Аммо нима қилай,  
дилга йўқ таскин,  
Мозорга етаклар ожизни Дунё.

Бухорий бир аёл эди-да онам,  
Шундай она эди –  
Қуёшдек, аммо -  
Юзлари қуёшда қорайган эди,  
Ўлар чоғида ҳам қулоқ остимда

Пичирлаб:

“Бухоро тинчми, хай?”-деди.

Оҳ,

унинг дардини билолмадим мен,  
У учун ҳеч нарса қилолмадим мен.

Мен ўша...

Мен ўша қочқин, бевафо –

Ўғилман,

лек тўлуғ бўлолмадим мен!..

Эй-й...

Тўққизта бола туққан, онам-а!

Туғиб,

нима кўрдинг, ҳаққул онам-а!

Гўё одам бўлдим,

“Зўр одам” бўлдим,

Руҳинг тепамда-ку,

боққил, онам-а!

Ёдимда --

(бир умр чиқмас ёдимдан),

Видолашув они...

Онамни ўпдим.

Оғзимдан шаробнинг бўйи келарди,

Шарманда бўлдим-да,

худодан топдим!

Дуогўйим онам, -

деб хўнградим сўнг.

Излаб тополмасим, -  
дея йиғладим.  
Ўша кун  
Илк бора умримда балки,  
Тош қотган кўксимга  
Ростдан муштладим...  
Илоё, дуойим дуойингга эш -  
Бўлсин-у,  
ўғлингнинг гуноҳидан кеч...  
(Зотан, кечиргувчи бир худо эмас!)

Дийдор қиёматга қолди, онажон,  
Борсам, олиб борай хуш бўйи райҳон...  
Бугун Саккизинчи март экан,  
Хайр,  
Кетдим мен -  
Онамнинг зиёратига!..

## БАЙРАМ ЙЎҚЛОВИ-2

... Яна бир аёл бор,  
Бир умр куйиб,  
Уй-жой қилай деди, югурди-елди.  
Эри бор эди-ку,  
Лекин ўша эр  
Мен эдим –  
келмасдим кўчадан бери...

Мен уни биламан,  
тунлар тўлғаниб –  
Эй Худо, деб нолиш қилганларини.  
Аммо у...  
Билмайди менинг норасо –  
фалсафам борлиги, билганларимни.  
Аммо у ишлади,  
қулдай ишлади,  
Ғишт- завод қолмади, бозор қолмади...  
Ишлади, вояга етмаган қизлар –  
Менинг болаларим –  
билан ишлади.  
Кун ўтмай қолганда –  
Бир ҳовуч ундан  
Бичак қилиб сотган,  
Кейин фойдадан –  
Икки кафт ун олиб келган уйига...

У пахтага чиқди, у ўтин терди,  
(Лекин эшитмасдим зор, оҳларини)  
Фақат бир фикр бор эди ўйида:  
“Эрим кечирсайди гуноҳларимни!..”

Унинг гуноҳи йўқ,  
Балки гуноҳи –  
Мени ҳаммадан кўп севгани бўлган.  
Аммо мен,  
Мен бу кун тавба қиламан...  
(Юрагимда бугун шайтон ҳам ўлган)!

Тазарру пайти ҳам етди,  
Шу аёл –  
Унутсин дейман-да кўрганларини.  
Дунёдан тилагим:  
Кўрмасин ҳеч ким  
Аёлнинг ғам чекиб турганларини!

## БУХОРО – ХОРАЗМ

Бир замонлар шарқу ғарбни олғон Бухоро-Хоразм,  
Чин ва Румға таҳлика солғон Бухоро-Хоразм.

Бузруку Росту Наво, Дугоҳу Сегоҳу Ироқ -  
Шашмақом бирла мусиқа чолғон Бухоро-Хоразм.

Шаҳ Жалолиддинни берғон мамлакатни кам деманг,  
Қаҳрамонликда Таробий турғон Бухоро-Хоразм.

Жўрнолист халқи бугун Хиво сори йўл олдилар,  
“Эй сорбон, оҳиста рон”, карвон “Бухоро-Хоразм!”

Бу замон осуда ўлди, осуда Ому, Зарфишон,  
Орзумандмиз кўргали, тўлғон, Бухоро-Хоразм.

Бир Омон борди Бухорий, бир Омон Гурлан эди,  
Мухтору Матжон руҳидан қолғон Бухоро-Хоразм.

Ўртамизда ястаниб ётқой, ки бу Урганч чўли –  
Менга бир денгиз хаёл бўлғон, Бухоро-Хоразм.

Хоразмда дўстларим кўпдир, бироқ йўл солмадим,  
Сенсизам бордир, Саид Бурҳон, “Бухоро-Хоразм!”

МУҲДАРИЖА

Муҳаббат бирла.....	3
Соғиниш .....	4
Сен қачон бир ёқли бўласан, эй, дил?! .....	5
Ошиқона.....	6
Ёзар бўлдик.....	7
Тўртлик .....	10
Муҳаббат дафтаридан.....	10
Бедил ғазалига мухаммас.....	11
Руҳият .....	12
Чекиниш.....	15
Талабалар шаҳарчасидаги севги .....	19
"Аскар дафтари"дан.....	20
Биринчи курс армони.....	22
У кунлар .....	27
Қайтиб келдим.....	28
Юрагим .....	29
Ҳаёт садоси.....	31
Юрак .....	31
"Аскар дафтари"дан.....	32
...га .....	35
Соғинч ҳақида қўшиқ .....	37
Илк муҳаббатдан сўнг .....	38
Ватан .....	39
Нигоҳ .....	42
Гулхўр булбуллар.....	42
Таскин.....	43
Тунги шаҳар.....	44
Айланма ҳаракат .....	45

## Қалам

---

Тўнка .....	47
Бозор .....	48
"Аскар дафтари" дан.....	50
Римнинг қулаши .....	51
Ғазал.....	54
Яна ғазал .....	55
Дехқон ва шоир.....	56
Рубоий .....	59
Хоразм .....	59
Марсия ўрнида.....	60
Дўстларим кўп экан.....	61
Огоҳ бўлгил вабодан.....	62
Бўлди, осмон, йиғлама.....	64
Тўртлик .....	66
"Аскар дафтари"дан.....	67
Танқид ҳақида .....	68
Битта ўзим турибман... ..	69
Олтмиш ёш .....	71
Акам .....	72
Набираларга мувашшахлар .....	73
Дийдор .....	76
Шухрат Рўзиевга .....	78
Байрам йўқлови.....	79
Байрам йўқлови-2 .....	81
Бухоро – Хоразм .....	83



Саид БУРҲОН

ҚАЛАМ

(Шеърлар)

<i>Muharrir:</i>	<i>Azim Qalandarov</i>
<i>Texnik muharrir:</i>	<i>Gulnora Samiyeva</i>
<i>Musahhih:</i>	<i>Ra'no Saidmurodova</i>
<i>Sahifalovchi:</i>	<i>Muslima Bafoyeva</i>

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010. Original-maketdan bosishga ruxsat etildi: 06.12.2024. Bichimi 60x84. Kegli 16 shponli. «Times New Roman» garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset bosma qog'oz. Bosma tobog'i 5,5. Adadi 100. Buyurtma №755.

“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ  
“Durdona” nashriyoti: Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy.  
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.  
Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy. Tel.: 0(365) 221-26-45